

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

И-462 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ БЕГИМҚУЛОВ ЖАҲОНГИРНИНГ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАНИДАН “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ” МАВЗУСИДА ЁЗГАН

КУРС ИШИ

Бажарди:

Бегимқулов Ж.

Қабул қилди:

И.Б.Нормаматов.

Қарши-2013 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
КУРС ИШИГА ТОПШИРИҚ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Иқтисодиёт кафедраси мудири
_____ и.ф.н., доц. А.Рахматуллаев
«_03_»_ноябр_2013 й.

Талаба: *Бегимқулов Жаҳонгир*

Таълим йўналиши: *5340100-Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)*

Курс ишининг мавзуси: *АГРАР СОҲА ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ*

1. Амалиёти ўтилган жой: *Косон тумани” Қўйлиев Нурилла” фермер хўжалиги*

2. Курс иши раҳбари: *к.ўқ. И.Б.Нормаматов*

Курс ишининг мақсади: *Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган қишлоқ хўжалиги тармоғига хорижий инвестицияларнинг қай даражада жалб этилгакгини ўраниш, таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат*

5. Иш режаси:

Курс ишининг бўлимлари	Курс иши бўлимининг номи	Бажариш муддати
Кириш	Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритилган	05.11.2013-16.11.2013 й
I – Боб	Қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари	20.11.2013-30.11.2013 й.
II – Боб	Қишлоқ хўжалигига жалб қилинган хорижий сармояларни таҳлили	01.12.2013-19.12.2013 й
III – Боб	Аграр соҳага киритилаётган молиявий инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари	20.12.2013-04.01.2014 й.
Хулоса ва таклифлар	Амалий натижалардан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш	08.01.2014-18.01.2014 й.
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	Ўз.Р Қонунлари, ВМнинг қарор ва Фармонлари, дарслик, ўқув қўлланма ва кўрсатмалар	20.01.2014-28.01.2014 й

6. Курс ишини бажариш учун зарур бўлган материаллар:

а) адабиёт манбалари: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг, республикамиз ва хориждаги етакчи аграр-иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ва асарлари.*

б) қонуний-меъёрий ҳужжатлар: *Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.*

в) статистик ва бошқа маълумотлар: *Республика Давлат Статистика Қўмитаси, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси, вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари.*

7. Тасвирлаш материаллари: *жадвал, чизма ва слайдлар.*

8. Топшириқ берилган кун: *05.11.2013 йил*

9. Ишни топшириш муддати: *30.01.2014 йил*

10. Илмий раҳбар: _____ *к.ўқ. И.Б.Нормаматов*

Кафедра мудирининг курс ишини ҳимояга қўйиш ҳақидаги хулосаси _____

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК –ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**5340100- Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йуналиши
И-462 гуруҳ талабаси Бегимқулов Жаҳонгирнинг “Қишлоқ хўжалиги
корхоналари фаолиятини бошқариш” фанидан тайёрлаган курс ишига**

ТАҚРИЗ

Курс иши мавзуси: *АГРАР СОҲА ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ*

Курс иши мавзусининг долзарблиги ва топшириққа мослиги

Қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестициялар ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу соҳага сармояларни жалб этишни янада такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазалар юритиш, таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан берилган мавзу топшириққа мосдир.

Курс ишининг ёзма изох ва график материалларнинг таркиби ва бажарилиш сифати *Курс иши кириш, 3 та боб, ҳар бир бобни ёритувчи параграфлар, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат талаб даражасида сифатли бажарилган.*

Курс ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланганлиги *Курс ишида илмий манбалар, хорижий тажрибалар, фан ва техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилган.*

Курс ишнинг ижобий томонлари ва камчиликлари *Курс ишини бажаришда олинган хулосалар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Курс ишининг асосий камчиликлари ҳажмининг кўплигидир.*

Курс ишининг баҳоси (максимал -100 балл) ва хулоса

Курс иши тугалланган бўлиб, кафедрада ҳимоя қилишга тавсия этилди ва ишни 79 балл билан баҳоланди.

Тақризчи:

_____ (имзо)

**“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси
и.ф.н. А.Бердиев**

« ____ » _____ 20 ____ йил

**ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК –ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**5340100- Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йуналиши
И-462 гуруҳ талабаси Бегимкулов Жаҳонгирнинг ҚХКФБ фанидан
тайёрлаган курс ишига**

ТАҚРИЗ

Курс иши мавзуси: *АГРАР СОҲА ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ*

Курс ишининг ҳажми: 75 бет

А) ёзма изох қисми: *варақлар сони 63 бет*

Б) график қисми: *чизмалар сони 8 та*

Курс иши мавзусининг долзарблиги ва топшириққа мослиги
Қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестициялар ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу соҳага сармояларни жалб этишни янада такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазалар юритиш, таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан берилган мавзу топшириққа мосдир.

Курс ишининг ёзма изох ва график материалларнинг таркиби ва бажарилиш сифати
Курс иши кириш, 3 та боб, ҳар бир бобни ёритувчи параграфлар, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, сифатли бажарилган. Курс ишини бажариш бўйича тайёрланган улубий қўлланмага мос келади.

Курс ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланганлиги
Курс ишида илмий манбалар, хорижий тажрибалар, фан ва техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилган.

Курс ишининг ижобий томонлари
Курс ишини бажаришда олинган хулосалар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Курс ишининг баҳоси (максимал -100 балл) ва хулоса

Курс иши тугалланган бўлиб, кафедрада ҳимоя қилишга тавсия этилди ва ишни 80 балл билан баҳоланди.

Курс иш раҳбари к.ўқ. И.Б.Нормаматов

_____ (имзо)

« _____ » _____ 20 ____ йил

АГРАР СОҲА ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий итисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялаш оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишни янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. 2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларининг сифат жихатидан юксалиши кўп томондан инвестиция хажмидаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22 фоиздан ошди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифалардан бири - таркибий ислохатлар ва иқтисодиётни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитлар яратишдан иборат. Бу вазифани амалга ошириш учун қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этиш нақадар катта аҳамиятга эга эканини барчамиз тушуниб олишимиз керак¹. Юқорида келтирилган рақамлар ва баён этилганлардан кўриниб турибдики қишлоқ хужалигига жалб қилинган инвестициялар ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу соҳага сармояларни жалб этишни янада такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазалар юритиш, таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади.

Ишнинг мақсади мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган қишлоқ хўжалиги тармоғига хорижий инвестицияларнинг қай даражада жалб этилганини ўраниш, таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- хорижий инвестициянинг назарий асосларини ўрганиш;
- нвестицион муҳитни шакллантирувчи ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўраниш ва аниқлаш;
- қишлоқ хужалигига жалб қилинган инвестицияларни таҳлил қилиш;
- қишлоқ хўжалигига хорижий сармояларни жалб этишни такомиллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш бўйича мулоҳазалар юритиш, таклифлар ишлаб чиқиш.

¹ Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Халқ сўзи, 11 февраль, 2006.

ишнинг предмети ва объекти. предмети бўлиб, қишлоқ хужалигини ривожлантириш, хусусан бу соҳани инвестициялаш билан боғлиқ бўлган муаммолар ва жараёнлар мажмуаси ҳисобланади. Ишнинг объекти бўлиб, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик вазирлиги ва корхоналари ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши: иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Биринчи бобда хорижий инвестициянинг назарий асослари, хусусан, инвестиция тушунчаси уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Иккинчи бобда қишлоқ хўжалигига жалб қилинган хорижий сармояларнинг ҳолати ўрганилган, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланган ва таҳлил қилинган. Учинчи бобда қишлоқ хўжалигига хорижий сармояларни жалб этишни такомиллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш йўллари бўйича фикр мулоҳазалар юритилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

I - БОБ Қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари

1.1. Аграр соҳада сарфланаётган инвестицияларнинг манбалари,

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги инвестициялар сарфланишини объектив равишда талаб этади. Демак, инвестиция маблағлари тармоқда доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади. У узоқ ҳамда қисқа муддатларга мўлжаллаб сарфланиши мумкин. Агарда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларини сотиб олишга, қуришга ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, унда бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аташади шу билан биргаликда инвестициялар қишлоқ хўжалигининг айланма воситаларига ҳам сарфланади. Улар қисқа муддатга сарфланган ҳисобланади. Демак, инвестициялар натижасида қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари барпо этилиб, уларнинг ишга яроқлиги тубдан яхшиланади.

Қишлоқ хўжалиги ипглаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар қишлоқ хўжалиги (корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинадиган даромад (фойда) суммаси ошишини таъминлайди. Бу инвестицияларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й), «Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармон (2013. 11.04) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда².

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- иновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар;

Асосий фондларни барпо этишга ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари

² «Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармон (2005. 11.04) қонунлар.

ривожлантиришга сарфланган инвестициялар капитал инвестициялар деб аталади.

Техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестициялар инновация инвестициялардир.

Инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширига, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар ижтимоий инвестициялар деб аталади.

Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. Моддийлашган асосий ва айланма воситаларга сарфланган маблағлар реал инвестицияларни ташкил этади.

Қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар эса молиявий инвестициялар ҳисобланади. Реал инвестицияларни капитал қўйилмалар, деб ҳам аташ мумкин. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма суммасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги, жумладан, корхоналар миқёсида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида асосий капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳисобга олинади.

Лекин, республика қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари сушт суръатлар билан ривожлантирилаётганлиги молиявий инвестициялар қўлами кенгайишини талаб даражасида таъминламаяпти. Жумладан, жамоа, ширкат, фермер хўжаликларида қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификата, векселлар...) чиқарилиб, сотилаётгани йўқ. Келажакда бу муҳим масалани ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва улар амалиётга тадбиқ этилиши лозим.

Бозор иқтисоди шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлашга. Бу қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;

- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур. Чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди. Бу ҳол инвестициялар узоқ муддатга чўзилишига олиб келади; ¹ чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этишга. Бунинг учун қишлоқ

хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим ва бошқалар.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этади. Қишлоқ хўжалиги замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, бино-иншоотлар билан таъминланади. Унда боғзор, узумзорлар барпо этилади. Зотли, сермахсулот чорва ҳайвонлари яратилади.

Улар янги иш жойлари барпо этилишини таъминлайди, қишлоқ хўжалигида банд бўлган тadbиркорларнинг билимларини, малакаларини юксалтиради, бозор муносабатларини шакллантиради. Уларнинг уйғунлашиши натижасида тармоқда етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтирилиб, рақобатбардошлиги ошади. Бу, ўз навбатида, аҳолини, қайта ишлаш тармоқларини ва ниҳоят, давлатнинг талаби қондирилишини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтиради. Буларнинг ҳаммаси инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Капитал қўйилмаларнинг халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти улкан. Биринчидан, капитал қўйилмалар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлари ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона захираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Капитал қўйилмаларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- капитал қўйилма амалга оширилаётган лойиҳага;
- мамлакатдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
- давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фоиз ставкасига;
- ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга;
- миллий валютанинг ички ва ташқи курсига;
- мамлакатнинг сиёсий ҳатидаги барқарорликка.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали

фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

1.2. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган инвестицияларнинг манбалари, уларнинг сарфланиши йўналишлари Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, иновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Инвестицияларни мақсади, вазифалари, манбалари ҳамда йўналишларини эътиборга олган ҳолда қуйидаги чизмадагидек туркушаштириш мумкин.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўрин тутаяди. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъий назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли миқдорини йиғмасдан туриб инвестиция жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий - тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал - корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инвестиция қилишда корхона ўз маблағларидан имкони борича фойдаланиши иккита устунликка олиб келади: корхонада ташқи тўловлар мавжуд бўлмайдиган (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва ҳаказо), шунингдек корхонани бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Айни пайтда хўжаликларга четдан жалб қилинадиган маблағларнинг манбаларидан бири хўжалик аъзоларининг вақтинча бўлиб ўтган маблағларини жалб этиш ҳисобланади. Бундай инвестицияни амалга ошириш учун корхона ўз ичида қисқа муддатли облигацияларни, векселларни чиқариб, уларни аъзоларига ишончли тарзда тарқатиши (сотиши) ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган ишончли далолатномаларни ҳам бериши мумкин. Хўжалик аъзолари эса муомалага берилган маблағларини маълум муддат ўтгандан сўнг белгиланган фоизи билан қайтариб олиш имкониятига эга бўладилар. Бу турдаги капитал қўйилма қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳозирги

даврда яхши самара бермайди. Чунки хўжаликларда ҳозирча қимматли қоғозларни чиқариш имкониятлари чекланган, келажакда шу масалаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Четдан жалб этилаётган инвестициялари чет давлатларининг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланди.

Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- республика қишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларидан ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

- тармоқда чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк акциялари ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган маблағларни сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, пгу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлари ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадilar.

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар.

- Чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар.

- Чет эл фуқаролари бўлмиш замонавий шахслар ва бошқалар.

Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкнинг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш орқали муайян даражада ҳисса қўшиш ишлари билан шуғулланмоқда. Лекин уларнинг инвестициялари талабни қондирадиган даражада эмас. Шунинг учун бу масалага, яъни чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммосига келажакда алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й) қонуни, «Тўтридан тўғри

хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги Фармони 2005.11.04., «Узумчиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармони» 2006 январ талаблари асосида амалга оширилади.³

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2006 йил январь.

1.2. Қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-ижтимоий муносабатлар бозор муносабатлари асосида ташкил қилинмаётганлиги; иккинчидан, жамиятда маъмурий буйруқбозлик тизими йўқотилган бўлса-да, бозор иқтисодиётини яратиш ёки бозор хўжалигини ташкил этиш талаб даражасидан анча сустреклаётганлиги; учинчидан, бозор жараёнлари тараққиётини рағбатлантиришни назарда тутган ҳуқуқий негизни янада такомиллаштирилган асосида яратиш зарурлиги; тўртинчидан, янги қонунларни яратиш ва улар асосида ташкил қилинган ижтимоий, иқтисодий ва хўжалик муносабатларининг молиявий маблағлар билан таъминлаш масаласи; бешинчидан, халқ хўжалигида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик соҳасидаги хўжалик субъектлари билан чет мамлакатлар хўжалик субъектлари ўртасидаги горизонтал хўжалик алоқалари ривожланмаганлиги ва МДХ давлатлари ўртасида ҳисоб-китоб муносабатларини тартибга солиш масалалари бозор талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилмаганлиги; олтинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида дебиторлик, кредиторлик қарзларининг ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалик соҳасига хорижий инвестицияни жалб қилишда инвесторларга имтиёзлар бериш усулидан фойдаланадилар. Инвестицион жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жараёнида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун билан биргаликда фуқаролик ва банк ҳуқуқлари бир-бирини тўлдирган ҳолатда қатнашади. Бунда фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ масалалар олинган ҳолда ашё, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун тўланадиган тўловни мулкчилик, иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатлар асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солса, банк ҳуқуқи ва бевосита ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк операцияларига тааллуқли бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик соҳасига хорижий инвестициясини жалб қилиш ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишни ривожланган мамлакатлардагидек даражада такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади, бу муаммоларни фуқаролик ва банк қонунчилиги нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳулосалар умумлаштирилган ҳолда ҳуқуқий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш асосида ечимини топиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестициясини жалб қилиш муаммоларини мулкчилик, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ҳамда фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганилса, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи бевосита афар соҳага тегишли бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар сифатида инвестицион муҳитни ташкил қилиш муаммоларини ўрганади, банк ҳуқуқи эса банк операцияларига тааллуқли бўлган муносабатлар сифатида ўрганилади.

Республикаимиз қишлоқ хўжалик тармоқларида асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тартибининг белгиланиши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бир қанча иқтисодий мақсадларни назарда тутади:

- мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги мураккаб жараёнларидан ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий тангликнинг олдини олишга хизмат қилиши;

- муомаладаги нақд пул массасини кескин камайтиришга эришиш орқали нақд пул эмиссиясини чеклаш масаласини ҳал этиш;

- пул қадрсизланишининг олдини олиш; нақд пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш;

- хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг моливий фаолиятини ҳаққоний баҳолашни йўлга қўйиш;

- хўжалик субъектларининг ҳисоб-китоб фаолиятида қонунлар ижросини таъминлаш;

- ҳисоб-китоб муносабатларидан солиқ назоратини кучайтириш;

- яширин иқтисодиётни ҳаракатга келтирмаслик чора-тадбирларини белгилаш ҳамда яширин иқтисодиётнинг умумий иқтисодиётга келтирадиган салбий оқибатларини олдини олиш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида иш ҳақини ва иш ҳақиға тенглаштирилган тўловларни қонунчиликда белгиланган муддатларда тўлаш масаласини ҳал этиш;

- банклар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда миқозларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш;

- хўжалик ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил қилишда электрон ҳисоблаш воситаларини қўллаш асосида хўжалик субъектларига тегишли пул маблағлари бўлган айланма маблағларининг аланиш жараёнларини тезлаштириш асосида пул маблағларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини тижорат банкларида депозит шартномаси ва омонат шартномаси асосида депозит ва омонатларга жалб қилиш орқали ички инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш шулар жумласидан.

Қишлоқ хўжалик иқтисодиётига хориж инвестициясини жалб қилишнинг ўзига хос фуқаролик ҳуқуқи хусусиятларини илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш асосида ҳулоса ва тавсиялар беришдан мақсад: биринчидан, қишлоқ хўжалик секторида моливий манбаларни шакллантириш, уларни тақсимлаш ҳамда самарали фойдаланишни йўлга қўйишда қишлоқ хўжалик субъектлари билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни ўрганиш; иккинчидан, хориж инвестициясини жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ҳал этишга амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик корхоналари билан банклар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни ўрганиш; учинчидан, қишлоқ хўжалик қонунчилиги

билан банк қонунчилиги ўртасидаги тафовутларни ўрганиш; тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари билан қишлоқ хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи идоравий ҳужжатлар асосида ўрнатилган ҳуқуқий тартибни ўрганишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигига хориж инвестициясини жалб қилиш объектив зуруриятдир. Товар-пул муносабатлари иштирокчилари ўртасида товарнинг тез сотилиши, кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишларнинг сифатили бажарилиши асосида ҳақ тўлаш ва хориж инвестициясидан тенг манфаатдорлик асосида самарали фойдаланиш бозор иқтисодиётининг ўзгармас қонунидир. Бозор қонуниятини қишлоқ хўжалик иқтисодиётига тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалик субъектларини молиявий барқарор бўлишини таъминлаш бозор хўжалигини юритишнинг асосий тамойили ҳисобланади. Молиявий барқарор хўжалик субъектлари бозор муносабатларида хўжалик фаолиятини ташкил этишда амалдаги қонунчилик талабларини бузмасликка ҳаракат қилади ва тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш бозор иқтисодиётининг қонуниятини бўлиб, республика халқ хўжалиги фаолияти ривожланишининг асосий шартларидан биридир.

Қишлоқ хўжалик иқтисодиётини соғломлаштиришда асосий муаммолар: биринчидан, ўзаро қарзлар муаммосини ҳал этиш; иккинчидан, маҳсулот сифати ва унинг рентабеллигини ошириш; учинчидан, ички ва ташқи инвестицияни қишлоқ хўжалик инглаб чиқаришига жалб қилиш; тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнес субъектларида, шу жумладан қинглоқ хўжалик субъектларида бошланғич сармояларнинг мавжудлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш; бешинчидан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаган маҳсулотларни экспортга йўналтириш асосида қишлоқ хўжалиги соҳасини янги техника ва илғор технология билан таъминлаш; олтинчидан, МДХ мамлакатларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги шартномалар асосида улар билан тегишли тўловларни ўтказиш тўғрисида давлатлараро битимларни тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш; еттинчидан, қишлоқ хўжалик субъектлари маблағларини конвертациялаш масаласини ҳал этиш; саккизинчидан, қишлоқ хўжалик соҳасидаги хўжалик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг давлат режасидан ортиғини эркин нархларда сотиш механизминини яратишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида ўзаро қарзларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар қуйидагилардир, яъни, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат режасидан ортиғини экспортга сотишнинг мураккаблиги; қишлоқ хўжалик соҳасида тўлов қобилиятининг талаб даражасидан пастлиги; қишлоқ хўжалигида молия бозорининг шаклланмаганлиги; қишлоқ хўжалик иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш талаб даражасида рағбатлантирилмаганлиги; қишлоқ хўжалигида инвестиция жараёнлари ислохотлар даражасида ташкил қилинмаганлиги; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нархлаш ишларини ташкил қилишда

инвестиция жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги; қипғлоқ хўжалик субъектлари айланма маблағларининг инфляция шароитида қадрсизланиши; қишлоқ хўжалигида инвестицияни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришни назарда тутган давлат дастурининг иишаб чиқарилмаганлиги; МДХ мамлакатларининг хўжалик субъектлари ўртасида тегашли тўловларни амалга оширувчи ҳуқуқий асослар ишлаб чиқарилмаганлига; муддати ўтган дебиторлик кредиторлик қраздорлигининг келиб чиқиш сабабларини илмий, амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ишлари талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги, юридик хизмат фаолиятининг қишлоқ хўжалик соҳасида паст даражада эканлиги, кўпчилик тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслига натижасида хўжалик шартномалари бир томоннинг фойдасига тузилаётганлиги ва ҳаказо.

Қишлоқ хўжаликда иқтисодий ислохотларни смарали яқунлашнинг асосий шартларидан бири - қишлоқ хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигани, яъни тўловга қобилиятлилигани таъминловчи шарт-шароитларни яратишдир. Қишлоқ хўжалик субъектларида молиявий барқарорликни таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади: ўз айланма маблағларини ошириш; асосий воситалар ва бошқа ноайланма активлар суммасини камайтириш, асосий воситаларни янгилаш, эски ускуналарни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги ускуналар билан алмаштириш; ортиқча асосий воситаларни ижарага бериш ёки сотиш, аниқ дастур асосида ишлаб чиқариш жараёнини қайта тиклаш учун зарур бўлган харажат ва захиралар миқдорини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, қишлоқ хўжалига иқтисодиётига хориж инвестициясини жорий қилишда ички инвестиция имкониятлардан фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш орқали қишлоқ хўжалик корхоналари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш асосида натижаларга эришиш мумкин.

Маълумки, хорижий инвестицияларнинг ҳудудлараро нотекис тақсимооти етарлича асосланган назарий ва кенг тарқалган амалий муаммодир. Шунинг учун биз ҳудудлардаги табиий-иқтисодий муҳитнинг турличалига боис, шунингдек, давлатнинг инвестиция дастури стратегик йўналишларидан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларнинг ҳудуддар бўйича тенг ёки бир хилда тақсимлаш лозимлига ҳақидаги фикрдан йироқмиз. Аслида хорижий инвестицияларнинг ҳудудлараро нотекис тақсимооти аввало, ҳудудлараро меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг йириклашуви ва ихтисослашувига боғлиқдир.

Бу ерда умумий тарздаги тақсимот нотекислигига эмас, балки хорижий инвестицион тақсимоотида иқтисодий асосланмаган тарзда туб фарқнинг мавжудлигига, айрим ҳудудларда асоссиз тарздаги ва самарасиз «инвестицион мўл-кўллик» ва аксинча айрим ҳудудлардаги «инвестициявий тақчиллик» мавжудлигига асосланган тақсимотнинг зарарли оқибатларини илмий асослаш ва уни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатиш тарфдоримиз.

Хорижий капитал иштирокидаги ишлаб чиқаришнинг рационал жойлаштирилиши давлат томонидан хорижий капитал миқдорий ўсиши рағбатлантирилишини талаб этади.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги фарқлар улардаги инвестицион муҳит шароитларнинг турлича эканлигини ва объектив тарзда иқтисодий-географик жиҳатдан қулай, нормал ва оғир ҳудудий бирликларга бўлинади. Шунга кўра олдиндан инвестициявий жалб этувчанлиги юқори ёки қулай бўлган ҳудудлар ҳамда инвестициявий жалб этувчанлиги иқтисодий-географик шароитларнинг оғриқлиги туфайли паст бўлган ҳудудларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур қарама-қарши ёки бир-биридач тубда фарқ қилувчи ҳудудлар учун бир хил инвестициявий режимнинг қўлланилиши ижобий ҳал этмайди, албатта. Шунга кўра исбот талаб этилмайдиган муҳим қонуният шартларини қуйидагича исботлаш мумкин:

- ҳар қандай шароитда инвестициявий қарорлар қабул қилиш мамлакат қонунчилиги ва ҳукуматнинг тегишли қонунлари асосида амалга оширилади;

- Турли иқтисодий-географик шароитларда жойлашган ҳудудлар учун ҳукуматнинг махсус қарорларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи инвестицион режим амал қилади;

- Табиий-иқтисодий шароити бир-бирига яқин бўлган ҳудудлар учун умумий инвестициявий режим қўлланилади. Бироқ, бу ҳолат табақаланган ҳолда ёндашув имкониятларидан фойдаланишни инкор этмайди, яъни инвестициявий фаоллик самарадорлигини рағбатлантириш мақсадида бир хил шароитдаги ҳудудларга ҳам турли даражадаги имтиёзлар механизми қўлланилиши мумкин.

2013 йил 1 январ ҳолатига мамлакат бўйича 3301 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтган, лекин улардан атига 1958 таси ёки 59,3 фоизигина фаолият кўрсатаётган ачинарли ҳолат. Мамлакат бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1312 таси ёки жамига нисбатан 67 фоиз Тошкент шаҳрида, 160 таси ёки 8 фоиз Тошкент вилоятида, 96 таси ёки 5 фоиз Самарақанд вилоятида, 78 таси ёки 4 фоиз Андижон вилоятида ташкил қилинган. Статистик маълумотлар тасдиқлашча, баъзи вилоятларда хорижий инвестициялар иштирокидага корхоналар жуда кам ташкил қилинганлигани кўриш мумкин.

Таҳлил қилинган статистик маълумотлар хорижий инвестицияларнинг мамлакатимиз вилоятлари ўртасидаги тақсимотида катта тафовутлар мавжудлигини яққол кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, хорижий инвестицияларнинг иқтисодий асосланмаган ҳолда вилоятлараро нотеқис тақсимланиши бир вилоятнинг янада тез суръатларда иқтисодий ривожланишига, бошқа бир ёки бир нечта вилоятларнинг эса объектив тарзда нисбатан иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келади. мисол учун, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидага хорижий инвестициялар иштирокидага корхоналарнинг бошқа вилоятларга нисбатан кўплига бу ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан бошқа вилоятларда бирмунча устунлигани

таъминламоқда. Улар биринчи навбатда аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақининг юқорилига ва ишчилар малакасини оширишдан иборат. Ва аксинча, баъзи вилоятларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг жуда озлиги эса бу вилоятнинг Тошкент шаҳар ёки Тошкент вилоятига нисбатан иқтисодий-ижтимоий ривожланиши кескин ортида қолишига сабаб бўлди.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлардан келиб чиқаётган, иқтисодиетимизнинг ривожланишига салбий таъсир курсатаётган сабаларни бартараф қилиш, уларнинг олдини олиш мақсадида республикамиз вилоятларини иқтисодий-ижтимоий ва жўғрофий жойлашганлигани таҳлил қилган ҳолда, уларни бир неча "инвестиция зоналари"га бўлиш ва бу зоналарда ташкил қилинаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун турли хил қўшимча имтиёзлар бериш ва (ёки) аксинча, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар кўп ташкил қилинган зоналарда имтиёзларни камайтириш хорижий инвестицияларни мамлакатимиз бўйича бирмунча тўғри тақсимланишида ижобий натижалар беради, деб ўйлаймиз.

Мазкур таклиф қуйидаги вазифаларни ечишни талаб этади:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг вилоятлар ўртасида нисбатан бир текис тақсимланишини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё ва материаллардан кенг фойдаланиб, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқлар орқали қўшимча рағбатлантириш.

Бу вазифаларни бажаришга қаратилган таклифимизнинг биринчи босқичи республикамиз вилоятларини "инвестиция зоналари"га ажратиб олишдан иборат. Вилоятларни зоналарга ажратиш қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

1. Вилоятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси таҳлили: вилоятнинг ялпи ички маҳсулоти;

- жон бошига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми;

- вилоятда ўртача иш ҳақи миқдори;

- жон бошига сарфланаётган инвестиция;

- вилоятда жойлашган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар сони ва унда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар салмога каби кўрсаткичлар таҳлил қилиниши лозим.

■Вилоятнинг экологик ва турли кўринишдаги жиноятчилик даражаси таҳлили:

- вилоятда содир этилаётган иқтисодий жиноятларнинг сони;

- вилоятнинг экологик ҳолати ва экологик жиҳатдан зарарли чиқиндилар билан табиатни ифлослантираётган корхоналар сони;

- вилоятда тугалланмаган қурилиш объектларининг умумий қурилишдаги ўринининг таҳлили.

3. Вилоятнинг жўғрофий жойлашиши:

- вилоятнинг бошқа мамлакат ва вилоятлар билан қўшничилиги;

■ коммуникация йўллариининг мавжудлиги ва бошқалар.

Биз бу кўрсаткичларни мавжуд маълумотлардан фойдаланиб таҳлил қилиш натижасида вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасини қуйидаги 6 та «инвестиция зоналари»га ажратиб олдик:

- 1- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти
- 2 - Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти.
- 3 - Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилояти.
- 4 - Тошкент шаҳри.
- 5 - Тошкент вилояти.
- 6 - Наманган, Андижон ва Фарғона вилояти.

Энди эса тақлифимизнинг асосий иккинчи босқичига ўтсак. Бунда биз «инвестиция зоналари»да ташкил қилиниши кузатлаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун қўшимча солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва (ёки) солиқ имтиёзларини камайтириш тақлифини билдирмоқчимиз.

Бизга маълумки, хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ташкил қилиш учун қуйидаги 3 та талаб бажарилиши шарт:

■ ташкил қилинаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхона таъсисчиларидан камида биттаси хорижий юридик шахс бўлиши шарт.

■ Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармаси миқдори 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак;

■ Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасидага хорижий инвесторнинг улуши 30 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Бизнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи борасида берадиган тақлифимиз корхона низом жамғармаси миқдори, яъни 150 минг АҚШ доллари билан боғлиқ. Тақлифимизнинг моҳияти шундан иборатки, турли кўрсаткичларга асосланиб ажратилган «инвестиция зоналари»да, уларнинг ҳозирга инвестиция ҳолатидан келиб чиқиб, қуйидаги даромад солиғи имтиёзини жорий қилишдир (жавдалга қаранг).

Жадвалда «инвестиция зоналари»нинг инвестиция ҳолатидан келиб чиқиб ташкил этиладиган хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун турли низом жамғармаси миқдори ва даромад (фойда) солиғи ставкалари тақлиф қилинапти. Зоналарда минимал низом жамғармаси миқдорини белгилашда биз хорижий инвесторнинг зонага бўлган ишончи ёки бу зоналарда хатарнинг қай даражада эканлигидан келиб чиқдик. Мисол учун, 1-инвестиция зонаси (Қорақалпоғистон ва Хоразм вил.)нинг экологик ҳолати унинг иқтисодий кўрсаткичларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Хорижий инвестор бу зоналарга инвестиция киритишдан аввал уни ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Биринчи маротаба киритиладиган инвестиция миқдорининг 150 минг АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларига камайганлиги хорижий инвестор хатарини пасайтиради. Маълум вақт ўтгандан сўнг АҚШ доллари сарфлаган хорижий инвестор даромад ола бошлагач, корхонани кенгайтириш орқали ўз даромадини оширишга ҳаракат

қилади. Ўз навбатида қўшимча имтиёзга эга бўлиш ҳам хорижий инвестор фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Қўшимча имтиёз олиш йўлларида бири хорижий инвесторнинг корхонани кенгайтириш учун сарфланган асосий фондлар ва бошқа активларни хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасига жойлаш демакдир.

II- БОБ Қишлоқ хўжалигига жалб қилинган хорижий сармояларни таҳлили

2.1. Жалб қилинган сармояларни ўзгартирилиши ҳолати ва самарадорлиги

Инвестициялар - аксарият ҳолларда узоқ муддатга мўлжалланган харажатлардир. Шунинг учун уларнинг бир неча йиллар давомидаги иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қиёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Бунда инфляция даражаси ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида қиёсий баҳо сифатида 1996 йилги ўртача баҳолар асос қилиб олинмоқда. Келажакда бу баҳолар ўзгариши мумкин.

Шундай ҳолларда инвестициялар нинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш усулини аниқлаш;
- компаундинг (мураккаб фоизлар) усули;
- дисконтлаш усули.

Ўзини ўзи қоплаш муддати - амалга оширилаётган лойиҳанинг фойдаси ҳисобидан дастлабки инвестиция миқдорини қоплаш даври. Уни ҳисоблашда соф фойда молиявий ҳаракатлар, фоизлар ва амортизация ажратмалари эътиборга олинади.

Компаундинг усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда дастлабки сумма ҳар йилги даромад фоизи ҳисобига ошиб боради. Бунда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$\dot{YK} = BK(1+I)^n$$

Бу ерда $\dot{YK}$ - дастлабки инвестиция суммасининг ўсган қиймати, сўмда;

BK - дастлабки инвестициянинг бошланғич қиймати, сўмда;

I - фоиз ставкасининг ўзгаришини кўрсатувчи бирлик;

n - давр, яъни муддат, йилда.

Инвестициянинг ўсган қиймати фоиз ставкаси билан давр муддатига боғлиқ. Фоиз ставкаси инвесторнинг муқобил қарорини ҳисобга олади, яъни пулни бирон лойиҳага қўйган самаралими ёки депозитга қўйган афзалми?

Дисконтлаш - ҳисоблаш принципи компаундингга нисбатан тескари. Яъни дисконтлаш келажакда бўлиши мумкин бўлган даромадни жорий аҳоларда ҳисоблаш. Мазкур ҳисобнинг амалий мазмуни шундан иборатки, бунда тушумларнинг минимал даражаси аниқланадики, у шу даромаддан кам бўлган ҳолатда инвестиция қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Корхона миқёсида сарфланиши лозим бўлган ёки сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) мутлоқ (абсолют) инвестиция (капитал қўйилма)ларни сарфлаш натижасида олинаётган соф фойданинг ўсган суммасини нгу ўсишни таъминлаган инвестиция (капитал қўйилма) суммасига тақсимлаш билан ҳисобланади. Унда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

бунда: Cф - капитал қўйилмани амалга ошириш натижасида олинган соф фойда ёки соф фойданинг ўсган суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида сарфланган бир сўмлик инвестиция (капитал қўйилма) қанча сўмлик ёки тийинлик фойда келтирганлиги аниқланади.

Шунинг учун бу кўрсаткичнинг мутлақ (абсолют) миқдори юқори бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда айрим меъёрий ҳужжатларда инвестициялар мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик даражаси коэффицентининг меъёрий миқдори (E_m)-0,07 даражасида белгиланган. Шунга биноан сарфланаётган инвестицияларнинг ҳар бир сўми эвазига 7 тийин фойда олинса, бундай инвестициялар иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Ундан кам бўлганда эса инвестициялар самарали ҳисобланмайди. Шу билан биргаликда қишлоқ хужалигида ирригация - милиорация иншоотларига сарфланаётган инвестициялар мутлоқ (абсолют) иқтисодий самарадорлик коэффицентининг миқдори уларнинг узок йиллар давомида фаолият кўрсатишини эътиборга олган ҳолда 0,05 даражасида белгиланган. Бу коэффицентлар собиқ СССР даврида илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда инглаб чиқилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Лекин уларни республика шароитига мослаштирилган ҳолда кўриб чиқиш вақти ҳам келди.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган инвестициялар доимо ҳам фойда суммаси ошишини таъминламайди, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот етиштириш учун қилинган ўртача харажатлар (маҳсулот таннархи) камайтиришга олиб келади. шундай ҳолларда уларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси тежалган маблағ қийматини сарфланган капитал қўйилма суммасига тақсимлаб ҳам аниқланади. У қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

Бунда: T_1 - инвестиция (капитал қўйилма) сарфланганидан олдинги таннарх суммаси, сўмда;

T_2 - инвестиция (капитал қўйилма) сарфланганидан сўнгга таннарх суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткичнинг ҳам мутлоқ (абсолют) даражаси юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Инвестициянинг қоплаш муддати.

Унинг даражаси сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) суммасини олинган ялпи ички маҳсулотнинг, соф фойданинг ўсган суммасига тақсимлаш орқали аниқланади. Бунда қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

инвестицияларнинг (капитал қўйилма) қоплаш муддати қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан биргаликда инвестициянинг қиёсий самарадорлиги ҳам аниқланади.

Мавжуд адабиётларда инвестиция (капитал қўйилма)ларнинг қиёсий самарадорлик коэффиценти 0,12 даражасида белгиланган. Унга 1 ни тақсимлаш натижасида инвестицияларнинг неча йилда қопланиши мумкинлигини аниқланади, яъни (1:0,12) 8,3 йилда қопланса, инвестициялар қиёсий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

2.2. Аграр соҳага жалб қилинган инвестициялар таҳлили

Сўнги йилларда республика иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг 5-8 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланган. Бу талабга нисбатан кам. Шунинг учун келажакда бу инвестицион сиёсатни қишлоқ хўжалиги фойдасига ўзгартириши мақсадга мувофиқдир. Чунки тармоқ республика ялпи ички маҳсулотининг ўртача 30 фоизини бермоқда. Худди шундай ҳол хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида ҳам юз бермоқда. Жами чет эл инвестициясининг 7-10 фоизигина қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда. Бу борада ўзгариш қилинмаса, қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш биров узок муддатга чўзилиши мумкин.

Мамлакат агросаноат мажмуасига сарфланаётган инвестициялар 2009-2013 йилларда 3,2 мартага кўпайган (3-жадвал)

3-Жадвал

Республика АСМ га киритилган инвестициялар фоизда

№	Инвестиция манбалари	2009	2010	2011	2012	2013Й
1	Жами инвестициялар (шу йиллар баҳосига) шундан:	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
А	Давлат бюджетидан	42.2	32.2	52.3	21.7	26.9
Б	Банк кредитлари	1.3	16.9	6.2	26.8	36.8
В	Корхона маблағлари	39.1	33.1	35.8	36.6	37.2
Г	Аҳоли маблағлари	—	—	—	—	0.01
Д	Чет эл инвестициялари	17.6	17.7	27.7	4.9	5.1

Манба: Абдугуниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиётчилар жамғармаси. 2014 й. 178 б.

Агросаноат мажмуасига, жумладан, қишлоқ хўжалигага давлат бюджетидан ажратилаётган инвестицияларнинг миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Инвестиция (капитал қўйилма)ларни амалга ошириш учун маблағларни асосан хўжаликларнинг ўзлари сарфламоқдалар. Уларнинг маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигига сарфланаётган инвестицияларнинг 35-40 фоизга яқини шакллантирилмоқда. Бу бозор иқтисодиёти талабига мосдир. Хўжаликлар инвестицияларни амалга ошириш учун банк кредитларини ҳам кенг миқёда жалб этмоқда. Уларнинг ҳиссаси 2009-2013 йилларда кескин ошган. Лекин бу ҳисса уларга бўлган талабга нисбатан кам, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларни барпо этиш учун талаби ошиб бормоқда. Бироқ акциядорлик-тижорат банклари қишлоқ хўжалиги асосий капиталига берилаётган узок муддатли кредитларнинг умумий миқдори жуда кам. Бундай ҳол қуйидаги сабаблар натижасида шаклланмоқда:

> қишлоқ хўжалик корхоналари банклардан узок муддатли кредитларни олишда гаровга қўядиган ресурсларининг камлиги: ҳозирги

даврда уларда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг аксарият қисми жисмоний ва маънавий эскирган. Шунинг учун ҳам уларни гаровга олишмайди.

> Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлик даражаси пастлиги, яъни аксарият корхоналар рентабеллик даражасининг 5-8 фоиз атрофидалиги. Шунинг учун ҳам хўжаликларнинг кредиторлик қарзлари ортиб бормоқда. Бундай ҳолда кредит институтларининг бераётган маблағларини вақтида қайтариб олишга бўлган ишончи оқланмайди;

> Қишлоқ хўжалигининг устувор даражасида ривожланишига давлат кўмаги, яъни молиялаштириш, кредитлаштириш дастурлари талабни тўлиқ қондирадиган даражасида эмаслиги;

> Қишлоқ хўжалик корхоналари сотаётган маҳсулотлари учун истеъмолчилардан маблағларни белгиланган муддатларда ололмаётганлиги.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг дебиторлик қарзлари сўнгги йилларда ортиб бормоқда.

> Таъкидлаган масалалар ижобий ҳал этилиши натижасида қишлоқ хўжалигига банк кредитлари оқимининг кўпайиши таъминланиши мумкин.

> авлат бюджетидан қишлоқ хўжалигини инвестициялашга сарфланаётган маблағ миқдори йил сайин камайиб бормоқда. Бу объектив жараён. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳамиятига молик бўлган йўналишларни ривожлантиришгина давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар эвазига таъминланиши зарур.

Бу ҳолат ҳозирги талабни тўлиқ қондирмайди. Чунки, республикадаги жами суғориладиган ерларнинг 50 фоизга яқини у ёки бу даржада шўрланган. Келажақда ерларнинг сифат ҳолатини яхшилаш учун инвестиция (капитал қўйилма)лар кўламини кенгайтириш мақсадига мувофиқдир. Сарфланадиган инвестиция (капитал қўйилма)лар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сув билан таъминланганлик даражаси юксалмоқда, ишлаб чиқариш механизациялаштирилиши, кимёлаштирилиши туфайли экинлар ҳосилдорлиги ошмоқда (1-диаграмма)

Узоқ муддатли кредит шаклида сарфланган инвестиция (капитал қўйилма)нинг ширкат хўжалигидаги иқтисодий самарадорлик коэффициенти 2012 йилда 0,607; 2013 йилда эса 0,682 га тенг бўлган. Хўжаликда 2,4 млн. сўмлик узоқ муддатли банк кредитини сарфлаш натижасида 2013 йилнинг ўзида 1457,4 минг сўм, 2012 йилда 1636,1 минг сўм қўшимча соф фойда олинган. Шу тариқа олинган 1,65 йил давомида қайтарилган. Хўжаликка 963,5 минг сўм соф фойда қолган. Бу маълумотлар (капитал қўйилма)ларнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигидан далолат беради.

Айрим қишлоқ хўжалик корхонлари, машина синаш станциялари, таъмирлаш устахоналари ва заводларнинг амалиётларида қўшгина муаммоларни ҳал этишда бир неча техника вариатлари ичидан бирини ёки бир нечасини танлашга тўғри келади.

Бундай иқтисодий ҳисоб-китобларни янга таркторларни, автомобилларни, қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш босқичларида ўтказилади. Капитал сармоялар бўйича вариантларни танлашда кенг имкониятлар янга техникани жорий қилиш лойиҳа ускуналарини, жиҳозлаш комплекслари билан таъминлашда мавжуд харажатларнинг миқдорига қараб, амалдаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигага (таъминлашнинг таннархи ёки товар маҳсулотининг 1 сўмига бўлган харажатлар даражасига) қараб фарқ қилади.

Шундай қилиб, капитал сармояларнинг хўжалик юртишдаги мақсадга мувофиқлиги янги ва таъмирланган машиналарнинг, ишлаб чиқариш учун ускуналарнинг амалдаги технологияларга мос равишдаги заруратига биноан келиб чиқади. Бироқ бу ишлар ўзининг тузилиши ва техника иқтисодий кўрсаткичлари турлича бўлган машиналар ва турли таъмирлаш корхоналари томонидан бажарилиши мумкин бўлганидан, капитал сармояларнинг мақсадга мувофиқ қулай иқтисодий вариантларини асослаш зарурати туғилади.

Энг кичик ҳажмдаги сармоя ҳажми K_a албатта ҳисобга олинади, чунки ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш зарур бўлади, ёки кўрсатилган машиналарни таъмирлаш қўшимча капитал сармояларнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

$K_d-K_b-K_a$

Қўшимча капитал сармоялар(K)-бу таққосланаётган иккита сармоялар сарфлаш вариантлари ўртасидаги (объектлар) фарқлар жорий вариант бўйича ҳисобланади. Агар капитал сармоялар K_b сўм билан амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда корхона йиллик маҳсулот чиқаришнинг таннархини S_b сўмгача камайтиришни таъминлайди.

Таннархни камайтиришдан келадиган умумий йиллик иқтисод (C_3) қўп капитал сармояларни талаб қиладиган (K_b) вариантни жорий қилинганида қуйидагича бўлади;

Бу кўрсаткичларни аниқланганидан сўнг, қўшимча харажатларни ўлчаб (капитал сармоялар K_3) ва олинган иқтисодни (C_3) аниқлаб билан

қўшимча қилинган капитал сармоялар неча йилдан сўнг қопланишини жорий харажатлардан иқтисод ҳисобига аниқланади:

бунда, T - қўшимча капитал сармояларининг қоплаш муддати: Капитал сармояларнинг миқдорини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

$$C_9 - C_a - C_b$$

1) объектни лойиҳалаш харажатлари, қурилиш учун майдончани ажратиш ва тайёрлар;

2) янги ускуналар сотиб олиш харажатлари, ҳам етказиб бериш, йиғиштириш, ишлатишга қадар бўлган йиғиштириш ишлари билан ишлатишга тайёргарлик ишлари;

3) ускуналарни такомиллаштириш учун бўладиган харажатлар;

4) биноларни қайта тиклаш ёки янгидан қуриш харажатлари;

5) корхоналарни тўлдириш ёки айланма маблағларни шакллантириш харажатлари;

6) корхонанинг асосий ва айланма маблағларининг бошқа барча ўзгаришлари;

солиштирма капитал сармоялар (K_y) - бу капитал сармоялар учун бўлиб, битта таъмирланадиган трактор, маҳсулотнинг ҳисобга олинadиган бирлигига, тўғри келадиган, ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми капитал сармоялар натижасида қўпайтирилиши режалаштирилади.

Шундай қилиб, қопланишни ҳисоб-китоб қилишда талаб қилинадиган барча капитал сармояларни ҳисобга олинади.

Капитал сармояларнинг меъёрий ва ҳақиқатдаги қопланиш муддатини фарқ қилинади.

Меъёрий қопланиш муддати турли объектларга капитал қўйилмаларни сарфлашда энг юқори кўрсаткич бўлиб, улар сармояларнинг самарадорлигини таъминлайди. Агар капитал сармоялар белгиланган меъёрий муддатларда қопланмайдиган бўлса, уларни сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Қопланишнинг меъёрий муддатига мос келадиган (T_n) капитал сармояларининг меъёрий самарадорлик коэффициенти (E_n);

А) халқ хўжалиги бўйича миллий даромаднинг йиллик ҳажмининг бир сўмига тўғри келадиган капитал сармояларнинг, яъни бу ўсишни вужудга келтирадиган кўрсаткич сифатида;

Б) қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича капитал сармояларининг бир сўмига фойданинг ўсиш кўрсаткичи сифатида;

В) айрим корхонлар бўйича капитал сармояларнинг ҳар бир сўм жалб қилинган сармояларни ўзгартирилиши ҳолати ва самарадорлигига олинган фойданинг миқдори сифатида;

Қишлоқ хўжалигидаги техника тараққиётининг суръатларини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлик бўйича мўлжалланган ўсишини ҳисобга олингани ҳолда, қишлоқ хўжалигига сарфланadиган капитал сармояларининг қопланиш муддатини 8-10 йил, қишлоқ хўжалик

техникалари учун 4-5 йилни қабул қилиш мумкин. Шуларга асосан самарадорлик коэффиценти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун 0,25-0,20 бўлади.

Техника тараққиётининг ўсиш суръатлари, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида бошқариш келгусида жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлик даражасини ошириш имкониятларини яратади.

Қопланиш даражаси корхоналарнинг тикланиш давридан бошлаб ёки янги корхона ишга солишдан бошланиб капитал сармояларининг жорий харажатларни иқтисод қилиниб қопланишига қадар даврни ўз ичига олади. Амалда эса, капитал сармоялар лойиҳани ишлаб чиқариш қурилишга ёки қайта тиклашга тайёргарлик кўриш, қурилиш давомида сарфланади.

Ҳақиқатдаги капитал сармояларнинг қопланиш муддати тенг бўлади: [
$$T_d = T_{\Pi} + T_0$$

Бунда, T_d - капитал сармояларнинг харажат қилиниши пайтидан бошлаб тўлиқ қайтарилишига қадар ҳақиқатдаги қопланиш муддати;

T_{Π} -капитал сармояларнинг объектга қўйилиш даври бўлсада, жорий харажатларнинг самара бермаган даври;

T_0 -капитал сармояларининг бевосита қопланиш даври;

Бу кўрсаткичлар барча техник тавсилотлардан капитал сармоялар киритишнинг энг иқтисодий ва оқилона вариантларни танлаб олиш имкониятларини яратади: капитал сармояларининг қопланиш муддати, капитал сармояларнинг йил давомида қилинган иқтисодга нисбати билан белгиланади. Йиллик иқтисод қилиш қанча юқори бўлса (ишлаб чиқариш харажатларидаги вариантлар фарқи) шунчалик тез орада (капитал сармоялар ўзгармаганида) сарфланган маблағлар тез қопланади. Бошланғич даврдаги қўшимча капитал сармояларининг қопланишини ишлаб чиқариш, воситаларининг қолдиқ қиймати билан, иккинчи даврга ишга тушган ишлаб чиқариш билан биргаликда аниқланади.

Капитал сармояларининг самарадорлиги юзасидан асосий кўрсаткич бўлиб, меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнат сарфини иқтисод қилиш ва уни енгиллаштириш капитал сармояларининг бошланғич иқтисодий сармоясини ташкил қилади.

Бирқ шуни таъкидлаш кераки, меҳант унумдорлигининг ўсиши фақатгина ишлаб чиқаришга асосий фондларни жалб қилиш билангина эмас балки бошқа капитал сармоялар билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар билан ҳам аниқланади: ишчиларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг такомиллашуви, ишнинг сифатини ошириш ва ҳ.к.

Иқтисодий самара фақатгина меҳант унумдорлигининг ўсишида акс эттирилади, ҳамда у капитал сармояларидан фойдаланиш жараёнида вужудга

келади ва 1 сўм капитал харажатга ялпи маҳсулотнинг ўсиши билан акс эттирилади, шунингдек маҳсулот бирлигига бўлган меҳнат сарфи ва унинг таннарни, 100 гектар экин майдонига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва капитал харажатларининг қопланиш муддати билан акс этади.

Бироқ капитал сармояларининг санаб ўтилган айрим юритиш анча мураккаб бўлиб, айниқса улар ўртасида қонуний алоқалар вужудга келмаган бўлса, анча қийин бўлиб, кўпинча қарама-қарши боғланишлар содир бўлади, бунда якуний кўрсаткичлар тавсия қилиниб, улар капитал сармояларининг умумий иқтисодий самарадорлик коэффициенти ҳисобланади

Самарадорлик коэффициентига қарама қарши курсаткич бўлиб капитал сармояларининг қопланиш муддати ҳисобланади, ҳамда, у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$t_{ok} = \frac{1}{\psi_0}(b)$$

Бу формула пундай ҳолларда қўлланиладики, масалан, янги корхоналар юқорида баён этилганидек мелиорация ҳолатини яхшиламасдан ва сарфламасдан туриб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бермайди. Агар капитал сармоялар мелиорация ишларисиз қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олиниши мумкин бўлган ерларга сарфланадиган бўлса, у ҳолда бошқа формуладан фойдаланилади, бунда қушимча капитал сармояларининг самараларини яхшилаш ёки уларни ўтказмаслик юзасидан маҳсулот олиш ишлаб чиқариш харажатлари ва капитал сармоялар таққосланади, капитал сармояларнинг самарадорлигини аниқлаш учун (а) формуласида кўринганидек соф тарздаги ёки қопланадиган капитал сармофларни, ишлаб чиқаришнинг жорий харажатларини, ялпи маҳсулотнинг қийматини ва соф даромадни ҳисоблаб чиқилади.

Бир ёки бир неча ишлаб чиқаришларда техника таклифларини жорий қилиш натижасида халқ хўжалигида олинадиган иқтисодий самарани ҳам таққослаш йўли билан аниқланади.

Иқтисодий самарани янги техникани жорий қилиш, янги объектларни қуриш ва янгидан тиклаш йўли билан амалга оширилганда ҳисоблашларда таққослаш учун асос қилиб қуйидагилар олинади:

1) ишчи бўлинма ёки ишчи жойининг кўрсаткичлари қўлмехнати бўйиса олинади, агар қўл мехнати машиналар билан алмаштириладиган бўлса;

2) бўлинма, бўлим, цех эски алмашадиган техникалар ва технологиялар мавжуд йўналишларнинг кўрсаткичларининг ўрнига анча тараққий этган ва иқтисодий самарали техника ва технологияларнинг кўрсаткичлари линади;

3) агар янги техникани ва технологияни жорий этиш ишлаб чиқаришдаги корхоналар, устахоналар ва бўлинмаларда, масалан, таъмирлаш корхоналарида техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш каби энг кўп тарқалган амалда фойдаланиб келинаётган техника-иқтисодий кўрсаткичлар қабул қилинади;

4) янги таъмирлаш устахонлари, таъмирловчи механика заводлари, цехлар ва уларни янгидан тиклаш учун қурилиш ўрнатиш юзасидан лойиҳаларни ишлаб чиқишда таққослаш усуллари билан энг мукамал мамлакатдаги ва хорижий вариантлар билан солиштирилади.

5) янги техника бўйича иқтисодий самардорликни ҳисоб китоб қилишда кўпинча иш ҳажми билан фарқ қиладиган вариантлар таққосланади.

Янги, унумдор машиналарнинг асосини танлашда, ёки таъмирлаш корхоналари, уларни қата тиклаш ва қурилишини танлаш ва асослашда ана шундай қилинади. Бундай ҳолларда кам ишлаб чиқариш ҳажми бўйича аниқликлар киритилади, чунки объектив равишдаги таққослаш фақатгина бир хилдаги ишлаб чиқариш ҳажмларида ўтказилиши мумкин. Ишлаб чиқариш шароитларида ишлаб чиқариш фондларининг капитал сармояларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш - бу даромад миқдорининг 1 сўмига тўғри келадиган фондлар қайтими бўлиб, халқ хўжалиги, соҳаси ва корхона бўйича ҳисоб олиб борилади:

А) халқ хўжалиги бўйича бу миллий даромад (Д)нинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларнинг (Ф) йиғиндисига бўлган нисбати сифатида аниқланади.

Миллий даромад фақатгина асосий ишлаб чиқариш фондларига олиб борилиши мумкин, бунда бошқа даврнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан таққосланади.

Б) соҳалар (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.), шунингдек алоҳида корхоналар бўйича ялпи даромад ёки соф даромад (фойда - П)нинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш асосий, ёки асосий ва айланма фондларнинг биргаликдаги йиғиндисининг нисбати сифатида аниқланади:

В) айрим маҳсулотлар тури бўйича соф даромад (фойда ҳақида маълумотлар булмаса ёки ҳисоб китоблар оли боришда, қишлоқ хўжалик техникасининг фондлар қайтимини йиллик иқтисод суммаси (Эг)ни машиналар қиймати ва бошқа асосий ишлаб чиқариш фондларининг, қийматига бўлган (Фос) нисбат сифатида аниқланади:

ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги бўйича бошқа кўрсаткич бўлиб, фондларга бўлган талаб ҳисобланади - бу фондлар қийматининг 1 сўмига олинган даромаддир:

А) халқ хўжалиги бўйича - бу ўртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари қийматининг йиллик миллий даромад суммасига бўлган нисбатидир:

Б) соҳалар (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.), шунингдек айрим корхоналар бўйича уртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари қийматининг ялпи даромад, соф даромадга (фойдага) нисбатидир:

Кўргазмали услубларга биноан капитал сармояларининг таққосланувчи иқтисодий самарадорлиги аниқланади, шунингдек хўжалик ва техника қулосаларини таққосладиган, янги техника жорий қилинадиган, таъмирлаш корхоналарининг янгилари қуриш ва амалдагилари янгилаш ва ҳ.к ҳолатларда аниқланади.

Капитал сармояларининг иқтисодий самарадорлигини билдирувчи кўрсаткичлардан бўлиб, энг кичик миқдордаги келтирилган харажатлар ҳисобланади.

Иқтисодий самараларни аниқлашда таққослаш учун асос қилиб мавжуд хўжалик юритувчи масалаларнинг энг яхши ечимларини олинади,

янги техникаларни жорий қилишда эса - жорий қилинагн энг яхши (ёки лойиҳаларда ишлаб чиқилган) мамлакат ва хорижий техникаларни қабул қилинади.

Аниқ амалиётдаги шароитларда таққослаш асослари сифатида ушбу масаларнинг энг кўп тарқалган услубларини, янги техникани жорий қилишда эса - алмаштириладиган техниканинг кўрсаткичларига асосланилади.

Харажатларнинг ва самараларнинг таққосланадиган вариантлари қуйидагилар бўйича таъминланиши керак:

А) корхоналар ва ишлаб чиқариш соҳаларининг доираси бўйича;

Б) харажатлар ва самара олиш бўйича;

В) нархлар бўйича;

Г) харажатларнинг хусусиятлари ва самарасининг оддий ва кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш нуқтаи назарига кўра;

Д) капитал сармояларининг таркибига кирувчи харажатлар бўйича;

Е) қиймат кўрсаткичларининг ҳисобланиш усуллари бўйичадир.

Капитал сармояларини таққослашда асосий фондларни ишга тушурилишини қисқартирилиш ёки даврини узайтириш натижаларини, яъни лаг деб аталувчи даврни ҳисобга олиш лозимдир.

Шунингдек ишлаб чиқариш (хўжалик)нинг қўшимча соҳаларига бўлган капитал қўйилмаларидан бўладиган иқтисодий самаралар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Қипглоқ хўжалик ипглаб чиқаришга бўлган капитал сармояларнинг самарадорлигини таққословчи объектлар (даврлар) бўйича тупроқнинг сифат таркиби ва ер майдонларининг миқдорига қараб аниқланади.

Янги қишлоқ хўжалиги техникаси ва капитал сармояларининг халқ хўжалигидаги самарадорлиги умумий қилинган иқтисод билан ифодаланади, ҳамда улар республика миқёсидага асосий, келтирилган кўрсаткичлар бўйича, янги техник воситаларнинг эскилари билан биргаликда қўлланиш теғралари бўйича ишлаб чиқарилади. Меҳнат харажатлари мисолида иқтисодни аниқлаб кўрайлик:

$$T_3 = (T_{p0} - T_{p1}) \Pi$$

Бунда, T_3 - меҳнат харажатлари юзасидан иқтисод бўлиб, қўлланиши лозим бўлган тегра бўйича янги техникани жорий қилиш бўйича қилинган иқтисодий кўрсаткич (одам-соат, одам-кунлар);

$T_{p0} - T_{p1}$ - бошланғич ва лойиҳаланадиган жараёнлардага 1га учун меҳнат сарфи (одам-соат, одам-кунлар);

Π - истиқболда жрий этилиши мумкин бўлган режалаштирилган янги техниканинг тегра бўйича майдони (га);

Худди шундай йўл билан металл, ёқилга, ишлаб чиқариш харажатлари, капитал сармоялари ва бошқалар аниқланади.

Даромад фойда ва сармоядорликни аниқлашда улгуржи нархлардан айланмадан олинадиган солиқларсиз фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик техникасига сарфланадиган капитал сармояларнинг халқ хўжалига самарадорлигани аниқлашда, корхоналарнинг капитал сармояларидан ташқари капитал сармоялар бўйича давлат ҳиссасини масалан,

суғориш, мелиорация, йўллари қуриш ва х.к. белгиланган режадага меъёрлар бўйича (майдонлар бирлигага, ишлар, маҳсулот birlikларига қараб) аниқланади.

Иқтисодий баҳолашлар бўйича самарадорликка асосланган ва капитал сармоялари бўйича назарда тутилган мақсадларга мувофиқликни қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳам таҳлил қилинади:

- маҳсулотга бўлган меҳнат сарфларининг ўзгариши, ишчикучининг бир қисмини капитал сармояларни сарфлаш натижасида камайтирилиши ёки қўшимча жалб қилиниши мумкин:

- маҳсулотнинг моддий воситалар сарфланишининг ўзгарувчанлига бўлиб, бунда халқ хўжалигидаги ёки қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш воситаларининг қўшимча ресурслари асраб қолинади, ёки уларнинг харажатлари ортиб боради;

- маҳсулотга бўлган фондлар сифимининг ўзгариши бўлиб, улар натижасида иқтисод ёки капитал сармояларининг ортиқча харажатлари вужудга келади;

- қурилишнинг давом этишининг қисқартирилиши ва унинг смета қийматининг пасайиши.

Айниқса катта аҳамиятга капитал сармояларининг солиштирма I кўрсаткичларини, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашга булган сарфларни ҳисоблаш, уларнинг асосий турдаги маҳсулотнинг бир тоннасига, тегишли ихтисосликка мослаштирилган хўжаликларнинг мелиорация (пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик бўйича ва х.к.), ҳамда сув манбаларидан олинган кубометр сув ва суғориш учун берилган сув | миқдориға куп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Капитал сармояларининг умумий (мутлоқ) иқтисодий самарадорлигини аниқлашда, масалан, қайта тиклаш, мелорация тизимларини яхшилашда, суғориш тармоқларини қайта қуриш, захираларни қочириш каналларда йўқолиб филтрланишини бартараф этиш, сув қабул қилинадиган иншоотларни тартибга солиш, суғориладиган майдонларда захини тортадиган иншоотларни қуриш, ерларнинг мукамал текисланишини амалга ошириш, суғориш техникани такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Мелиорация тизимларини қайта тиклаш жараёнларига капитал самарадорлигини таҳлил қилишда қайта қуришдан кейинги олинган кўрсаткичларни қайта қуришгача бўлган кўрсаткичлар билан таққослаш ўтказилади, шунингдек шунга ўхшаш лойиҳаланаётган янги тизимларнинг кўрсаткичлари билан таққосланади.

Қайта қуриш тизимининг самарадорлигини аниқлашда мелиорация натижасида қисман ерларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан чиқаилишини ҳисобга олиниб, улар натижасида хўжаликларга келтириладиган зарарларнинг миқдори аниқланади.

Ш- БОБ Аграр соҳага киритилаётган самарадорлигини ошириш йўллари

молиявий инвестициялар

3.1. Қишлоқ хўжалигида хорижий инвестиция кўламини кенгайтириш...

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараёни шакллантиришда суҳт қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

- > «Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш»;
- > «Ирригация ва мелиорация ишларини риволантириш»;
- > «Қишлоқ фаунасини, флорасини ҳамда экологиясини яхшилаш»;
- > «Янги иш жойларини ташкил этишни ривожлантириш, ишсизликни юмшатиш»;

- > «Қишлоқда малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида «Билим-малака» дасутурини тузиш»;

- > «Қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш» ва бошқалар. Бундан ташқари янги ташкил этилган қишлоқ кредит кооперативларида айрим фондлар бўйича давлат субсидиялари ва кафолатлари тизимини жорий этиш лозим. Ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативлари бошланғич капиталининг 35-45 фоизи давлатнинг имтиёзли ҳамда фоизсиз кредитлари ҳисобидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ кредит кооперативларини ташкил этиш жараёнида давлатнинг роли қуйидагилар билан чегараланиши мақсадга мувофиқдир:

- республикадаги қонун яратувчи идорлар бу кооперативлар учун мамлакат миқёсида ҳамда хорижий давлатларда тўлиқ фаолият юритишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериши;

- ушбу кооперативларнинг илмий, услубий муаммолари бўйича тадқиқот ишларини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қулай муҳит яратилиши;

- уларни ташкли этиш бўйича чет эл экспертларини жалб этиш ва маҳаллий мутахассислар томонидан хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганишга изчиллик билан ёрдам бериш;

- давлат идорларининг раҳбар ва мутахассислари янгидан ташкил этилаётган Қишлоқ кредит кооперативларининг фзалликларини барча ахборот воситалари ёрдамида тарғиб этишга, тунтиришга қаратилган фаол сиёсат олиб боришларри, уларни амлда ташкил этишга кўмаклашишлари зарур.

Кредит кооперативларини қишлоқ ҳудудларида ташкил этиш учун қуйидаги шартлар бажарилиб, ижобий муҳит шакллантирилган бўлиши зарур;

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбар, мутахассислари, шунингдек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ушбу молия кредит институтига ишониши ва ҳурмат ҳолатининг мавжудлиги;

- нгу молия-кредит институти фаолиятида фаол иштирок этиш учун аҳоли молиявий фаровонлик даражасининг юқорили бу аҳолининг бўш маблағлари мавжудлигидан далолат беради;

- барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари ва бошқа ташкилотларда қишлоқ хўжалиги корхонларини, айниқса, фермер ва деҳқон хўжаликларини, кичик корхонларни кредитлаштириш ривожлантирилишини таъминлайдиган ушбу ғояни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унга хайрихоҳлик муносабатлари мавжудлиги. Чунки қишлоқ кредит кооперативларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кредитлаштириш билан шуғулланадиган молиявий эркин рақобатчилик ривожланишини таъминлайди;

- қишлоқ жойларида ходимлар, мутахассислар кредит кооперативларининг малакали ходимларга бўлган талабини қондира оладиган даражада мавдужлиги;

- қишлоқ ҳудудларида янги кредит кооперативларини ташкил этиш бўйича ижтимоий, иқтисодий муҳитнинг талаб даражасида шаклланганлиги ва бошқалар.

Демак, қишлоқ ҳудудларида кредит кооперативларини ташкил этиш масаласининг ижобий ҳал этилишини жадаллаштириш учун юқорида таъйиқланган шарт-шароитларни тезроқ шакллантиришга энг аввало тармоқдаги тадбиркорлар, қолаверса, давлат ва нодавлат идорлари алоҳида эътибор беришлари зарур.

Янгидан ташкил этилаётган Қишлоқ кредит кооперативлар нодавлат, нотижорат молия ташкилоти юридик мақомига эга бўлиши лозим. Уларнинг асосий мақсади фойдаланиш учун берилаётган капитал эвазига фойда олиш эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар фаолияти ривожланишига имкон берадиган кредит олиш шароитлари яхшиланишини таъминлашдир. Бундай кооперативлар бераётган кредитлари учун ўз аъзолари мажбуриятлари юзасидан, яъни жамоатчилки асосида кафолат беради, берилаг қарзларни ўз вақтида суғурталайди, аъзоларидан пай бадалларини йиғади ва бошқа иқтисодий муносабатларни амлаг оширади. Чунки кооперативнинг ҳар бир аъзоси жамғарма фондига қўшган ҳиссасидан қатъий назар бир овозга эга.

Ташкил этиш таклиф қилинаётган Қишлоқ кредит кооперативлари нотижорат молия-кредит ташкилоти сифатида тижорат банкларидан муайян жиҳатлари билан ажратиб туради.

Қишлоқ кредит кооперативлари фаолиятининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат бўлиши керак;

- истеъмолчига яқин бўлиши, бунинг учун у фермерлар, ширкатлар уюшмаси ҳудудида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Бу унга

фермерлар, деҳқонлар, пудратчилар, бошқа корхоналар ҳамда аҳоли аъзо бўлишини таъминлайди;

- кредит кооперативи мажбуриятлари юзасидан унинг аъзолари чекланмаган миқёсдаги жамоатчилик асосида жавобгарликка эга бўлиши;

- кооперативга кириш бадали ҳамда пайлари суммаси жуда катта бўлмаслиги, олинган фойда кооперативнинг бўлинмас ва захира фондларини ривожлантиришга сарфланиши;

- кооперативнинг иқтисодиёт негизи ҳисобланган бўлинмас мулкни барпо этиш, бу мулкнинг минимал миқдорини белгилаш;

- олинган кредитлардан фақат Низомда кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиш;

- бошқариш органларининг мавжудлиги ва уларнинг жамоатчилик асосида фаолият курсатиши.

Қишлоқ кредит кооперативининг Низоми шу тамойилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқарилиши керак. Низомда кооператив фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайдиган барча масалалар тўлиқ ақс эттирилади. У кучли, ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу ўринда Низом мазмунига тулиқ тўхталмасдан унга фақат қишлоқ хўжалигини кредитлаштиришни такомиллаштириш нуқтаи назардан ёндашамиз.

Қишлоқ кредит кооперативига қираётган ҳар бир аъзо мажбурий тартибда кириш банали тўлаши керак. Уни тўлаган юридик ва жисмоний шахс кооператив аъзоси бўлади.

Қишлоқ кредит кооперативига қираётган ҳар бир аъзо мажбурий тартибда кириш банали тўлаши керак. Уни тўлаган юридик ва жисмоний шахс кооператив аъзоси бўлади.

Қишлоқ кредит кооперативи фаолияти натижасида олинган даромад унинг бўлинмас ҳамда захира фондини ташкил этиш учун ишлатилади. Бундай захира фондни шакллантиришдан мақсад энг аввало, кооператив фаолияти натижасидан келиб чиқиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун маблағ йиғиш, яъни биргаликдаги масъулият хавфини камайтиришдир. Бундан ташқари, мазкур фонд иқтисодий танглик ва таназзуллар даврида ишончли захира бўлиб хизмат қилади, қишлоқ кредит кооперативларининг келажақда барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Кредит олишни расмийлаштириш муддати 1 кун бўлиши керак.

Кредит бериш шахсан ишониш ёки кимнингдек кафилиги остида амалга оширилиши лозим.

Кооператив аъзолари гаровсиз кредит олишлари мумкин.

Кредит кооперативлари дастлабки 5 йил давомида солиққа имтиёзли равишда тортилиши, улранинг фойдасидан солиқ олинмаслиги кредит ставкалари мос банк ставкаларидан анча паст бўлиши ва кредитни товар билан қайтариб олиш имконияти кўзда тутилиши лозим.

Кредитларнинг қисқа муддат ичида расмийлаштирилиши маблағларнинг тез айланишига ёрдам беради.

Кооперативнинг ўз маблағлари қарз маблағлари, шунингдек, мол-мулки бўлиши мумкин. Кооперативнинг ўз маблағлари аъзоларининг пай бадаллари, фаолияти натижасида олинган фойда, шунингдек, ўз маблағларини қимматли қоғозлар ҳамда пул шаклида банкларга жойлаштириш ҳисобига ташкил топади. Аъзолар томонидан пай бадали сифатида берилган, шу билан биргаликда ушбу кооператив фаолият давомида сотиб олинган мол-мулклар унинг ҳуқуқий шахс сифатидаги мулки ҳисобланади.

Кредит кооперативи фақат ўз аъзолари омонатларини сақлаш ва уларга қарз бериш мақсадида тузилганлигини ҳисобга олиб, битта аъзога кредит бериш ҳажми мажбурий пай бадали ҳажми билан белгиланади.

Қишлоқ кредит кооперативи ўз фаолиятининг дастлабки босқичларида пул маблағларининг етишмаслиги ва аъзоларига керакли миқдорда қарз бера олмаслик каби муаммоларга дуч келиши мумкин. Шу боис давтлабки даврда унга аъзоларининг қаз олишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қўшимча молиявий маблағлар керак. Бу муаммони давлат ёрдами билан ҳал этиш мумкин. Бу борада давлат бюджетидан қишлоқ хўжалик молиявий инвратузилмасининг шаклланишига, қишлоқ кооперацияси тизими ривожланишига алоҳида аҳмаият берган ҳолда маблағ ажратилиши, бу маблағ қайтариб берилмайдиган ёки қайтариб бериладиган кўринишларда бўлиши мумкин. Бунга боғлиқ бўлмаган равишда кредит кооперативларини ташкил этиш босқичида ишлаб чиқиладиган техник-иқтисодий асолошда давлатдан олинган қарзларни ўз муддатида (қайтарилаётган сумма миқдори ва даврийлиги) қайтариш имкониятлари ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Кредит кооперативи фаолиятининг дастлабки ва кейинги даврларда маблағ етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Бу, аввало, банкдан имтиёзли кредит олишдир. Бу ҳолатда қарзга олинган маблағдан фойдаланганлик учун тўлов (банк фоизи) хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган кооператив аъзоларига берилган қарз учун олинган фоиз орқали қопланиши мумкин. Бунда кооперативдаги берилган қарз учун фозлар банк кредитидан фойдланганлик учун тўланадиган фоизларга қараганда юқорироқ бўлади, чунки кооператив бу турдаги хизматни амалга ошириши учун ўз томонидан қилинган харажатларни қоплаши керак.

Қишлоқ кредит кооперативининг асосий фаолияти кооператив аъзоларига кредит бериш ва пул маблағларини жамғариш каби хизматларни кўрсатишдан иборат. Шунга мос ҳолда ушбу хизматни амалга ошириш учун кооперативнинг кредит сиёсати ишлаб чиқарилади ва низомда белгилаб қўйилади. Улар қуйидагилардир:

- кимга қарз берилади;
- қандай мақсадлар учун қарз берилади;
- кооперативнинг бир аъзоси учун бериладиган қарзнинг максимал миқдори;
- қарз бериш муддати, қарздан фойдаланганлик учун тўлов миқдори (фоиз ставкasi);

- қарзни қайтариш кафолати;
- келишмовчилик ва низоларни ҳал этиш.

Қарз фақат кооператив аъзоларига берилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қарз низомда кўрсатилган мақсадлар учунгина берилади. Қарзни ишлатиш мақсадини аниқлаш кредитор бўлганлиги сабабли кооперативнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлиги билан изоҳланади.

Кредит кооперативи фаолиятининг дастлабки даврида, яъни кредит ресурслари фонди энди шаклланаётган вақтда берилаётган қарз миқдорини аниқлаш зарур. Чегараловчи ҳолатлар берилаётган қарзнинг қайтарилиш кафолатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Битта аъзога берилаётган қарзлар миқдори ҳар хил бўлиши мумкин ва у кредит фондининг ҳолатига қараб белгиланади. Бериладиган қарзенинг энг катта миқдорини кооперативнинг пай фонди ҳажми даражасида чегаралаш мақсадга мувофиқир. Бу кооператив аъзосининг ўзига боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш кафолатини беради.

Кооператив аъзоларига қарз бериш муддатини белглаш катта аҳамиятга эга, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиш пул маблағлари келиб тушиши ва унга бўлган эҳтиёжнинг даврийлигини келтириб чиқаради. Қишлоқ кредит кооперативи учун қарз муддати 6 ой ва ундан кўпга белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Кредит кооперативи фаолиятининг муҳим жиҳати қарздан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ҳисобланади. Агар кооперативнинг кредит фонди фақат омонат учун қўйилган хусусий маблғлар ҳисобига шаклланса, қарзлар кичик фоиз билан берилиши мумкин. Тўлов ставкаларини асослаш ва белгилашда кредит фонди шаклланишида юзага келадиган харажатларни ҳисобга олиш керак. Иқтисодий беқарорлик шароитида жалб қилинаётган маблағлар қиймати ўзгаришини ҳисобга олиб, низомда кредит учун тўловнинг аниқ миқдорини белгилаш шарт эмас, балки унинг қулай ва юқори чегараларини белгалаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Низомда кўрсатилган вазиятнинг энг мақбул варианты кооператив бошқарувига кузатув кенгаши билан биргаликда иқтисодий вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, қарздан фойдаланганлик учун тўлов ставкаларини имкон қадар паст белгилаш ҳуқуқини беради.

Фоиз ставкаларининг ўзгарилишини қуйидаги ифодалаш мумкин:

■ унинг кўпайиши - фақат қарздан фойдаланиш учун фоизнинг ўзгариши вақтида тузилган шартнома асосида ҳисобга олинади;

■ унинг камайиши - барча шартномалар, жумладан, олдин тузилган шартномалар асосида ҳисобга олинади. Келишилган вақтда тузилган шартномада қарздан фойдаланиш учун фоиз кўрсатилади ва кейинчалик у амал қилаётган вақтда барча ўзгаришлар киритилади.

Берилётган қарзнинг кафолати таъминоти сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Қарзни қайтаришнинг кафолати таъминоти усуллари қуйидагилар бўлиши мумкин: қарз миқдorigа лойиқ гаров бериш (гаров шартномаси имзоланади) ёки қарз олаётган шахс билан уни ўз вақтида

тўлаш мажбуриятини баробар бўйнига олган кооперативга кўпчилик аъзоларнинг ишонч билдиришлари.

Кооператив аъзоларига қарз бериш тартиби ва унинг миқдори кооператив низомига мос ҳолда умумий йиғилиш томонидан белгиланади. Бошқарув кенгаши қарз бериш бўйича қарорларни мақсадга мувофиқ ҳолда мустақил қабул қилиши керак.

Низомда қарз беришнинг тахминан қуйидаги тартиби белгиланиши лозим:

- қарзнинг умумий суммаси, қарз олишнинг аниқ мақсади, муддати ва қайтариш кафолати кўрсатилган белгиланган шклдаги ариза;

- кооператив бошқарувининг ариза берувчининг кредитни қайтариш қобилиятига берган баҳоси;

- кооператив аъзоларига қарз бериш учун умумий йиғилиш томонидан қарор қабул қилиниши.

Умумий йиғилиш қарори асосида кооператив билан унинг аъзоси ўртасида қарз шартномаси имзоланади. Унда кредит кооперативи низомида белгиланган қонуний ҳолатлар, ўзаро муносабатлар ва асосий вазиятлар ўз аксини топиши керак. Қарз шартномасида томонлар розилиги билан қарзни узиш тартиби ҳамда қарз берувчиларнинг олинган қарздан фойдаланиши устидан назорат қилиш имкониятлари кўрсатилади.

Кредит кооперацияси фаолиятининг асосий йўналиши кооператив I аъзолари шахсий жамғармаларини жалб қилиш бўлиши мумкин. Қишлоқ I аҳолиси жамғармасини тўплаб, жамғарма омонатларига яхши шароит I яратиш редит кооперативининг ривожланиши учун мустаҳкам молиявий асос яратиш мумкин. Кооператив ва унинг аъзолари ўртасидаги I жамғармаларни сақлаш тартиби ва шarti бўйича ўзаро муносабатларда шартнома тузилиб, умумий йиғилиш томонидан тасдиқланиши керак.

Қишлоқ кредит кооперативи бухгалтерия ҳисоботи андозаларига мос ҳолда ҳисоботларни амалга оширадики, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий қоидалар - меъёрий ҳужжатлар, тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби қоидалар - меъёрий ҳужжатлар, тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби масаласи, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига жавобгарлик; ҳисоб техникаси - низом жамғармасидаги операцияларни бадалларни кўрсатган ҳолда акс эттириш; фонднинг ташкил топиши, ундан фойдаланиш тартиби ва эркин хусусий маблағларнинг қолган қисми. Кредит кооперативи умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган фойда ва харажатлар сметаси ҳар йили яорак (квартал) ларга ажратилган ҳолда тузилади.

Шундай қилиб, қишлоқ кредит кооперативлари тижорат банкidan ўз фаолиятининг мақсади, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фойдани тақсимлаш усули, хусусий маблағининг манбаи ва ҳизмат кўрсатиши билан тубдан фарқ қиладиган алоҳида турдаги молиявий институт ҳисобланади.

3.2. Қишлоқ хўжалигида хорижий инвестиция самарадорлигини ошириш йўллари

Инвестиция сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, сармояни бирор-бир корхонага, ишга узоқ муддатга сарфламоқ маъносини англатади. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётда пул маблағларини бундай маблағларга эга бўлган шахслардан шу маблағларга муҳтож бўлган шахсларга қайта тақсимлаш жараёнида содир этилади. Инвестицияларни соддароқ қилиб, пул маблағларини турли шаклдаги молиявий ва моддий бойликларга ёки активларга қўшиш деб таърифлаш ҳам мумкин.

Чинакам профессионал маънода инвестициялар дейилганда капитални, яъни сармояни, бирор-бир корхонага, ишга, ишлаб чиқаришга, тармоққа фойда олиш (чиқариб олиш) мақсадида узоқ муддатга сарфлаш тушунилади.

Инвестицияларнинг халқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги аҳамияти жуда каттадир. Биринчидан, инвестициялар жамланган харажатларнинг муҳим элементидир. Инвестициялардаги тебранишлар жамият талабига сезиларли таъсир ўтказади, шундай экан, унинг миллий ишлаб чиқариш ҳажмига ва аҳоли башғлигига ҳам таъсири катта бўлади.

Иккинчидан, инвестициялар корхона жамғармаларнинг жамланишига олиб келади. бунда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга сарфланган пул маблағлари дастлабки паллаларда фаолият натижаларининг ўсиши ва корхоналарнинг келгусида иқтисодий ривожланиши учун зарур заминни барпо этади.

Учинчидан, сармоялардан мақсадга номувофиқ фойдаланиш ишлаб чиқариш ресурсларининг қуриб-қотиб қолишига, оқибатда эса миллий

ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. масалан, поёнига

етказилмаган қурилиш моддий ресурсларнинг ўлик молга айланиб қолишига, моддий бойликлар билан таъминланмаган иш ҳақининг ўланишига, инглаб чиқариш самарадорлигининг қисқаришига олиб келади. таъминот бир маромда ташкил этилмаганда юзага келувчи меъёрдан ортиб кетган заҳиралар ҳам айни шундай таъсир кучига эгадир.

Инвестициялар ҳажми, ўсиши ва самарадорлиги кўпдан-кўп омилларга боғлиқ бўлади. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сармоя қўйиладиган лойиҳани танлаш;
- Мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ўзгариши ва корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришлар;
- Давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг берган кредитлари учун оладиган процент ставкалари;
- Ташқи савдодаги иқтисодий ҳолат;
- Пул бирлигининг ички ва ташқи курси;
- Мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар.

Корхоналар томонидан ўз маблағлари ва қарзга олган маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестициялар аслини олганда жамият миқёсидаги жараёнларга тенг бўлса, рисоладагидек бўлган бўлар эди. Бироқ амалда бундай бўлиб чиқмайди, чунки жамғариш ва сармояларни сарфлаш мақсадлари турлича бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва шунинг учун ҳам молия бозорида ҳар доим уларни бозор механизмлари тизими орқали яқинлаштириш жараёни амалга ошириб турилади.

Жаҳон амалиётида корхонанинг сармоясининг қўллаб-қувватлашг ва кенгайтиришга қаратилган ва соф инвестициялар деб номланган инвестицияларни (жихозларни, техникаларни сотиб олиш ва ўрнатиш хом ашёлари, биноларни қуриш ва ҳ.к) ва транспорт хусусиятидаги, яъни фақат мулкдорнинг алмашишига олиб келувчи инвестицияларни (масалан, қимматли қоғозларни сотиб олиш бир фирма корхонасини сотиб олишни) фарқлайди.

Сармоя сарфланадиган объектга нисбатан моддий (мол-мулк инвестициялари), молиявий ва номоддий инвестициялар алоҳда-алоҳидаа фарқланади.

Моддий инвестициялар дейилганда бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи сармоя (жихозлар, матеариаллар захираларига ва шу кабиларга сарфланган маблағлар) ёки ишлаб чиқаришнинг функция кўрсатишини таъминловчи инвестициялар (биноларга, иншоатларга ва шу кабиларга қўйилган маблағлар) тушунилади. Ҳар қандай корхонанинг моддий қисми асосий ва айланма маблағларни ташкил қилади.

Ғарблик иқтисодчи олимлар буларнинг барчасини реал капитал атамаси билан бирлаштирадилар.

Молия инвестицияси бошқа фирмаларнинг ишларида иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олиш ва қарз ҳуқуқларини ҳарид қилиш йўли билан молиявий мол-мулкка сармоя ўйишдан иборатдир. Тадбиркорнинг қарз ҳуқуқлари, масалан, банк активлари, дивиденд келтирувчи қимматли қоғозлар, тақдим этилган ссудалар ва бошқалар билан таъминланади. Бошқа фирмаларнинг ишида иштирок этиш ҳуқуқи уларнинг акцияларини ҳарид қилиш, уларга пай бадалларини ва бошқа кўринишдаги пул маблағларини қўйиш воситаларида қўлга киритилади.

Реинвестиция эркин инвестиция маблағларини корхонанинг ишлаб чиқариш патенциалини, яъни салоҳиятини юқори даражада бўлишини таъминлаб турувчи янги ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш ёки тайёрлаш билан боғлаб таъмин этилади. Реинвестиция ўз ичига алмаштириш учун инвестицияларни, дастурларини ўзгартириш инвестицияларини, диверсификация инвестицияларини ва омон қолишга қаратилган инвестицияларни олади.

Алмаштириш учун инвестициялар қилинганда ишдан чиқаётган моддий воситалар айна шу каби техник хусусиятларга эга бўлган янги воситалар билан алмаштирилади. Айрим пайтларда инвестициянинг бу тури қоплаш инвестицияси деб ҳам аталади. Рационализациялаш инвестициялари ишлаб чиқариш жиҳозларини ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ёки модернизациялашга қаратилган бўлади. Бу турдаги инвестициядан кўзланган мақсад - меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган моддий ва пул маблағлари харажатларини камайтиришдир. Ипглаб чиқариш дастурларини ўзгартиришга қилинадиган инвестициялар истеъмол бозорида юзага келган талаб ўзгаришларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартириш учун қўшимча харажатларни тақазо этади. У ишлаб чиқариш жиҳозларини қайта созлашни, технологик усулларни ва жараёнларни такомиллаштиришни кўзда тутди.

Диверсификация учун сармоя сарфлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини (хилларини) ўзгартириш, товарларни ўтказишнинг янги бозорларини топиш, уларни эгаллаб олиш билан боғлиқ бўлади.

Омон қолишни таъминлаш учун қилинадиган инвестициялар истиқболда корхонанинг синмай омон қолишини таъминлайди ва масалан, илмий-тадқиқот ишларига, кадрларни тайёрлашга, рекламага, атроф муҳитни муҳофаза қилишга маблағ сарфлашни ўз ичига олади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамизда инвесторлар ҳамда инвестиция хусусида қонуний меъёрий ҳужжатлар ва ҳуқуқий асослар 2001 йилдан бошлаб қабул қилина бошланган ва инвестиция киритиш учун етарли шароитлар яратиб берилган. Лекин, инвестицияланаётган, кредитланаётган маблағлар тўғри сарф этилмаётганлиги натижасида бир қатор ноқулайликлар келиб чиқмоқда. Масалан, банклар томонидан ажратиладиган кредитларни талабгорларга, яъни фермер, ширкат хўжаликларига зарур вақтда талаб этиладиган маблағларни олиш бир мунча қийин кечмоқда. Буларни бартараф этиш учун мутассади шахсларга «кичик бизнесни ривожлантириш» мамлакат ҳаётида ва иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этиши, уни осон реконструкция қилиш мумкинлиги ва катта маблағ талаб қилмаслигини уўтириш керак.

Корхоналар фаолиятини инвестициялашда зарур бўлган тармоғини ривожлантириш ва нгу асосий тармоқларга инвестицияларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Т.Мирзаев ширкат хўжалиги инвестициялар ва капитал қўйилмаларни турли тармоқларга ва ишларга жалб қилган. Хўжалик биринчидан ирригация, меморация ишларини тўғри йўлга қўйишган, механизация даражасини юксалтирилган. Ишни тўғри ташкил қилишда хўжалик ўз услублари ва бир қанча йиллик тажрибаларидан кенг фойдаланилган. Корхоналар фаолиятини инвестициялашда, аввалом бор фаолиятни батамом ўрганиб чиқиб, қайси соҳаларга қанча миқдорда пул лозимлигини ҳисоблаб чиқиши зарур бўлади. Чунки қанча харажат кўп бўлса

Хўжалик ўз соф фойдасини ўзининг механизациясига ажратса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки улар МТТ ларга сарфлайдиган харажатлари юқори. Бунинг натижасида улар йилиг 210 минг қўшимча даромад олишлари мумкин.

Инвестицияланаётган маблағларни тўғри сарфланишини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки инвестицияланаётган маблағлар тўла-тўқис ажратилган соҳага ишламаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикасида меморация учун ажратилган маблағлар 2004 йил режала операцион маблағлар бажарилиши 68,4 мин.сўм бўлса, амалда 48,5 млн.сўм бўлган, яъни 65,6%и бажарилган ҳалос. Шундан ҳам кўриниб турибдики, режадан амалдагидан катта фарқ қилади. Бундай ҳолатдан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, айрим мутассади шахслар ўзларига юксатилган вазифаларга етарлича аҳамият бермаслигидадир.

Кредитга бўлган талабни аниқлашда корхонанинг жами харажатларидан ўз маблағлари, яъни фойдаси, амортизация ажратмаларидан тупгумлар, қимматли қоғозлар сотишдан тушган маблағлар ва бошқаларни чегириб ташлангандан қолган қолдиққа тенг бўлади. Шу усулда келаси йилга талаб қилинган маблағларга етишмаган маблағни кредит ҳисобига тўлдириш керак бўлади. Корхона учун кредитлари бўлган талабни аниқлаш жуда муҳимдир. Чунки пгу талабга қараб корхона етишмаслиги маблағни топишга ҳаракат қилади. Бу борада улар асосан банкларда мурожаат қилишлари мумкин. Улар бу талаб этилаётган маблағни қайси йўналишларга

ажратилишини тўғри кўрсатиб бера олишса, банк томонидан етишмаган маблағ кредитланади.

Инвестицияланаётган маблағларни истиқболдаги самарадорлигини ошириш учун хўжаликлардаги мавжуд капитал қурилишларнинг муддатини камайтириш, харажатларни кескин қисқартириш, капитал маблағларни сочилиб кетмаслигига йўл қўймаслик, туталланмаган қурилиш объектларини кмайтиришшга эътиборни қаратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонулари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 7-29 бетлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 30-47 бетлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, - 1999 йил 12 январь, 2 бет.

4. Ўзбекистон Республикасининг."Ҳориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”ги Қонуни. // Халқ, сўзи. - 1996 йил, 12 сентябр, 3 бет.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ. - 1999 йил. Июнь. 3-9 бетлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ. Июнь, 1996 йил. 2-7 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ, - 1998 йил. июль. 2-9 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. Т. Ўзбекистон, 396-I – сон. 24 апрель 1997 й.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2002 йил 5 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 64-72 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Фармонлари

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 9 апрель. Ўзбекистон

Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 156-160 бетлар.

11. Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 1997 йил 24 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 73-74 бетлар.

12. Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Акционерлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 1998 йил 2 октябрь. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 75-97 бетлар.

13. Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2000 йил 21 март. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 98-103 бетлар.

14. Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Давлат тижорат Халқ банкни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2000 йил 7 декабрь. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 104-105 бетлар.

15. Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2002 йил 30 март. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:–“Ўзбекистон” - 2003 йил. 106-109 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон 1999 йил. 48 бет.

17. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Т.:–Ўзбекистон, 2000 йил. 97 бет.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. - Т.: Ўзбекистон, 1993 йил, 56 бет.

19. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: -Ўзбекистон, 1992 йил. 61 бет.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

20. “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрда чиқарилган 457-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, №24, 1999 йил 15 январь. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.:“Ўзбекистон” 2003 йил. 112-116 бетлар.

Адабиётлар, ойнмалар ва рўзномалар

22. Ишмухамедов А., Орипов О. Бизнес, сиёсат, инвестиция (кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда инвестицияни жалб қилиш масаласи). // Иқтисод ва ҳисобот, 2-сон 2005 йил. 14-16 бетлар.

23. Инвестиционные проекты Республики Узбекистан. Т.: -Фан - 2005 йил. 74 бет.

24. Исмоилова Г. Қимматли қоғозлар бозори ва талаб. //Иқтисод ва ҳисобот. Т-2005 йил, 44 бет.

25. Ковалевой А.М. Финансы. М.: -Финансы и статистика, 2006 йил. 336 бет.

26. Кочмала К.В. Инвестиционная деятельность коммерческих банков. Финансы и статистика. – 2006 йил. 144 бет.

27. Кныш М.И., Перекатов БА., Тютиков Ю.П. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. Санкт-Петербург-2006 йил. 315 бет.

28. Максудов Ф. "0 прямых иностранных инвестициях" ВВВ.2006 йил. N48. 6 бет.

29. Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги - Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари лойиҳаси. Т-2004,2005,2006 йиллар.

30. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. “Солиқлар тури кўпми?” Жамият ва бошқарув. 2-сон, 2006 й.

31. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. “Етти ўлчаб ...”. //Бозор, пул ва кредит. 3-4-сон, 2007 йил.

32. Ҳайдаров Н.Ҳ. «Хорижий инвестициялар устуворлиги. Жамият ва бошқарув. 2-сон, 2007 й.

33. Ҳайдаров Н.Ҳ., Абдурахмонов О.К. «Роль иностранных инвестиций в финансовом оздоровлении Узбекистана» Москва. //Финансы и кредит. №16 (88), 2007 йил.

34. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил якунлари ва 2013 йил иқтисодиётни устувор йўналишлари. //Маърифат. 2013 йил.. 1-2 бет.

35. Қодиров А.К.,. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик субъектларига банклар томонидан қисқа муддатли кредит берилишини ташкил этиш тартиби тўғрисида. Низом. 26.12.2008 йил.

36. Ғуломов С.С. Менежмент ва бизнес асослари. Т.: -УРФАА, Мехнат - 2008йил.

Диссертациялар ва авторефератлар

37. Додиев Ф.У. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш. //Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 1998 йил 10 бет.

38. Нуриддинов С.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш. //Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.

39. Каримов Н. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш ва улар самарадорлигини баҳолаш. //Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.

40. Ҳайдаров Н.Ҳ. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари». Иқтисод фанлари доктори илмий

даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2003 йил, 14-15 бетлар.

41. Қурбонов Р.Б. Тижорат банклари даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш. //Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.

42. Ғозибеков Д.Ғ. “Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари”, Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2002 йил. 24-25 бетлар.

43. Элмуродов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш. //Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.

Статистик тўпламлар.

44. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за 2011 год. Т.: Узбекистан, 2012.

Веб сайдлар.

45. [http// www. press-service](http://www.press-service)

46. [http// www.gateway.uz](http://www.gateway.uz)